



## Муаққибалар бор, уларни ҳар бир фарз намоздан кейин айтган ёки бажарган киши ноумид бўлмайди: ўттиз учта тасбиҳ, ўттиз учта таҳмид ва ўттиз тўртта такбир»,- дедилар

Каъб ибн Ужро разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муаққибалар бор, уларни ҳар бир фарз намоздан кейин айтган ёки бажарган киши ноумид бўлмайди: ўттиз учта тасбиҳ, ўттиз учта таҳмид ва ўттиз тўртта такбир»,- дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтувчиси ютқазмайдиган, надомат ҳам қилмайдиган, балки, катта савобга эга зикрлар ҳақида хабар бердилар. Улар фарз намозлардан кейин бир-бирдан кейин айтилади. Улар: Ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ» яъни, Аллоҳ таоло барча нуқсонлардан пок. Ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ» яъни, Аллоҳ таолога муҳаббат ва У Зотни улуғлаш ила комиллик билан сифатлаш. Ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар», яъни, Аллоҳ барча нарсадан азиз ва улуғдир.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/6259>

النّجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

